Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 138 (20. 705) • 1990 йил 19 июнь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Кеча Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

18 июнь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Йиғилганлар икки сессия оралиғида вафот этган Ўзбекистон ССР халқ депутати М. Қиличевнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов Ўш вилоятидаги воқеалар муносабати билан тузилган жумҳурият штабининг иши тўғрисида ахборот берди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳалок бўлганлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш. М. Мирзиёев Мандат комиссияси маърузасини қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг маърузаси юзасидан Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясидан кейинги даврда сайланган Ўзбекистон ССРнинг 39 нафар халқ депутати ваколатини эътироф этди.

Сессия ишининг кун тартиби тасдиқланади. Депутатлар Мулкчилик тўғрисидаги, Ер тўғрисидаги, Конституцион назорат тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишлари, конституцион назорат комитетини тузишлари, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан тадбирлар тўғрисидаги ҳукумат ахборотини, шунингдек СССР Олий Советининг «Хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оилани мустаҳкамлаш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ҳақида» қабул қилган қарори хусусида доимий комиссиянинг маърузасини тинглашлари керак. Бошқа бир қанча муҳим масалаларни ҳам кўриб чиқиш лозим бўлади.

Олий Совет биринчи масалалар қаторида Ўзбекистон ССРда Мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш доимий комиссиясининг раиси депутат А. А. Йўлдошев маъруза қилди.

Муҳокамада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари А. Одилов, М. А. Ибодуллаев, А. Т. Мавлонқулов, Б. Раҳмонов, К. Саидов, Муҳаммад Солиҳ (Салой Мадаминов), Т. Ҳошимов, А. Р. Абдуллаев, Н. Саъдуллаев, К. Турсунов, А. Асқаров, Т. Баркашев, В. Содиқов, Э. Хўжаев қатнашдилар.

Депутатлар қонун лойиҳасини асос учун қабул қилдилар, доимий комиссияга айтилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, уни қайта ишлаб чиқишни ҳамда Олий Совет тасдиғига тақдим этишни топширдилар.

Деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги доимий комиссиясининг раиси депутат А. Х. Тошкенбоев Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Мунозараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Ш. Муродов, Х. Э. Бердиев, Р. Тожиев, Э. Т. Шайхов, Ғ. Н. Ҳожиев, З. З. Нуриддинов, Б. Ж. Ҳақимов, С. Усмонов, А. Ниёзов, А. Исаев, Т. Ф. Қодирова ва бошқалар сўзга чиқишди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бу қонун лойиҳасини ҳам асос учун қабул қилдилар, у узил-кесил ишлаб чиқиш учун доимий комиссияга қайтарилди, сўнг Олий Совет тасдиғига тақдим этиладиган бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.



МАҚСАДЛАР МУШТАРАК, ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛ

Кеча, 18 июнь куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлади ва ушбу анжуманга йиғилган депутатлар куни тартибидаги дастлабки масалаларни кўриб чиқишга ҳамда муҳокама қилишга киришдилар. Маърузаларда, шунингдек мунозарада қатнашган халқ вакилларининг нутқларида ҳозирги ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалалари ғоятда фаоллик билан муҳокама этилмоқда.

Суратларда жумҳуриятимиз ушбу олий анжуманидан фотолавҳаларни кўриб турибсиз.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиясида

УЙ-ЖОЙ ПРОГРАММАСИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Наманган областида етмиш мингдан ортиқ оила шу беш йилликнинг тўрт йили давомида ўз уй-жой шароитини яхшилаб олди. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 2,5 миллион квадрат метрдан кўпроқ саҳнли уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Бу эса пландагидан юз минг квадрат метр кўпдир.

Қурилиш, меъморлик, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободончилик доимий комиссияси 16 июндаги мажлисида шу қувончли фактни мамнуният билан таъкидлади. Депутатлар вилоят маҳаллий Советларининг уй-жой қурилиши комплекс программасини амалга оширишга, ошкоралик ва ижтимоий адолатга риоя этишга доир ишларини ҳар томонлама муҳокама қилдилар.

Бу соҳада ибратли жиҳатлар кўп. Масалан, якка тартибда уй-жой қуриш суръатлари тез ўсмоқда: тўрт йил ичида аҳоли маблағи ҳисобидан бутун ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан икки баравар кўп уй-жой қурилди. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган территорияларни инженерлик жиҳатидан тайёрлашга корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг куч ҳамда маблағлари жалб этилганлиги ҳам фойда берди, бинокорлик материалларининг анчагина қисми бевосита шартномалар асосида келтирилмоқда.

Яна бир муҳим тадбир: уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлашни тартибга солишда аниқ-равшан қадамлар қўйилди. Чунончи, ҳозир Наманганда 1989 йилнинг биринчи ярмида ҳисобга олинган ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари, Қаҳрамон оналар, ёш мутахассислар, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахслар уй-жой билан тўла таъминланди. Шунга қарамай уй-жой муаммоси ҳамон вилоятда ўткир бўлиб турибди. Навбатда турувчилар сони камайди, лекин ҳамон 11,6 минг оила уй-жой олиш учун навбатда турибди. Аҳолининг шахсий уй қуриш учун участкаларга эҳтиёжи тўла қондирилмаяпти. «Ўртача» олиб қараганда кўнгилдагидек туюлган рақамлар ҳам чуқурроқ назар соладиган бўлсангиз, ташвиш уйғотади. Чунончи, вилоятда уй-жой билан ўртача таъминланиш ҳар бир киши ҳисобига ўн квадрат метрдан ошади, Косонсой, Ҳаққулободда, Наманганнинг Совет районида эса 5—6 квадрат метрни ташкил этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, жумҳурият Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг 1989 йил 15 августдаги якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ яна 52,2 минг оила ер участкаси олди, 600 га яқин янги уй-жой даҳалари, посёлкалари, кўчалар пайдо бўлди. Ана шу территорияларни обод қилиш эса бир қанча ҳолларда моддий-техникавий ресурслар етишмаслиги, баъзан эса сусткашлик, уюшмаганлик натижасида чўзилиб кетмоқда.

Асосий бинокорлик материалларининг бозор фондлари ўтган йилги даражада қолди. Ҳозирги вақтда бинокорлик материалларига эҳтиёжнинг 30—40 фоизи қондирилмоқда. Бунинг сабабларини фақат четдан қидириш керак эмас... Масалан, 130 миллион дона ғишт етишмайди, заводлар қувватининг эса атиги тўртдан уч қисмидан фойдаланилмоқда. Айниқса Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати ва Уй-жой-коммунал хўжалиги министрликлари корхоналарида иш яхши эмас.

Халқ депутатлари вилоят Совети ижроия комитети уй-жой-қурилиш кооперативларини, ёшлар комплексларини ривожлантиришга етарли эътибор бермаяпти. Маҳаллий Советлар йўли билан уй-жой қуриш планлари барбод бўлмоқда. Айниқса Наманганда, Косонсой, Чуст, Янгиқўрғон районларида Уй-жой программасини бажаришдаги аҳвол яхши эмас.

Наманганнинг эски қисмидаги уй-жойлар хароб бўлиб қолмоқда, бу ерда юз мингга яқин одам иссиқлик ва газ таъминотидан, канализациядан фойдаланиш имкониятидан маҳрум. Йил бошидан буён капитал ремонт қилиш мўлжалланган 47 та уйдан атиги учтаси қўлдан чиқарилди.

Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, квартираларни тақсимлашнинг белгиланган тартибини бузиш ҳоллари таги-томири билан тугатилмаган. Бир қанча ҳолларда хизмат вазифасини суиистеъмол қилишга йўл қўйилган.

Доимий комиссия қабул қилган қарорда аҳволни яхшилашнинг аниқ йўллари белгилаб берилган. Улар жумҳурият ва вилоятнинг маҳаллий Советларига, лойиҳа ва қурилиш ташкилотларига, бинокорлик материаллари, таъминот корхоналарига, савдо ташкилотларига даҳлдидир.

Назорат тарзида 1990 йил ноябрида бу масалага яна қайтишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ мухбири).

МАЖЛИС БЎЛИБ ЎТДИ

КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни пухталаштириш билан шуғулланаётган партия XXVIII съездига тайёргарлик гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда съезднинг бир қанча делегатлари иштирок этишди. Тўпланганлар комиссия тўғрисидаги Низом лойиҳаси юзасидан конкрет таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия назорати комитетининг раиси Б. К. Пуго бошқарди.

ЛИТВА ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

ВИЛЬНЮС, 16 июнь. (ТАСС мухбири). Бугун жумҳурият Министрлар Кенгаши мажлисида Литва муаммолари деб аталадиган барча масалаларнинг ҳал этилишини бошлаб бериши мумкин бўлган муҳим қарор қабул қилинди.

Жумҳурият ҳукуматининг ахборот хизмати эълон қилган ахборотда маълум қилинишича, «Ҳукумат Литва Олий Советига СССР билан музокаралар олиб бориладиган давр учун шу йил 11 мартда қабул қилинган «Мустақил Литва давлатини тиклаш тўғрисида»ги ҳужжатнинг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш имкониятларини муҳокама қилишни таклиф этган».

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг 1990 йил 23 майдаги Фармонига биноан Узбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 147 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

• Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини амалга оширамиз

ҚАРОР ИЖРО УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Делегат сўз сўрайди

Совхозимиз партия ташкилотида Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мен съезд делегати сифатида унда кўрган-кечирганларим ҳақида батафсил ахборот бердим. Коммунистлар бир овоздан съезд резолюциясини қўллаб-қувватладилар ва уни бажариш юзасидан хўжалик партия ташкилоти олдида турган вазифаларни белгилаб олдилар.

Партия йиғилишида кўп коммунистлар сўзга чиқишди. Улар хўжалик партия ташкилоти ишини тубдан қайта қуришни тезлаштириш, бунинг учун КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида қайд этилганидек бошланғич ташкилотлар ҳуқуқини кенгайтириш лозимлигини таклиф қилдилар. Чунки партиявий омма бевосита ролининг оширилиши партиянинг асоси бўлган қўйи бўғинлар ҳуқуқи ва мустақиллигини янада такомиллаштиришни тақозо қилади. Зеро Ҳаракат дастури лойиҳасида бошланғич ташкилотлар структураси, фаолият программаси ва шакллари, йиғилишларни, снёсий тадбирларни ўтказиш даврийлиги ва тартибига оид масалаларни ўзлари масъулият билан ҳал этиш, уларга партия юқори органлари иши ва қарорларига амалий таъсир этадиган қоидалар ва тартиблар асосида ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлишлари керак-лиги алоҳида қайд этилган.

Энди қайта қуришнинг борини ҳақида: партиямиз қабул қилган қарорлар сингари қайта қуриш ҳам меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Беш йилдирки, бутун жумҳуриятдаги сингари бизнинг районимиз ва хўжалигимизда ҳам бутун куч, имкониятлар ана шу борада қабул қилинган қарорларнинг бажарилишига йўналтирилмоқда. Партия ташкилоти фаолиятининг мағзини ҳам қайта қуриш ва янгиланиш ташкил этади. Бироқ бу соҳада амалий ишдан кўра гап кўп бўляпти, кўпдан-кўп қарорларнинг қоғозда қолиб кетаётгани жиддий ташвиш туғдираётир. Район партия комитети бюроси ҳам, совхоз партия ташкилоти ҳам ўзи қабул қилган қарорнинг ижросини назорат қилиш ўрнига бир хил масала юзасидан кетма-кет қарорлор қабул қилишни афзал билмоқда.

Масалан, ҳозир бутун жумҳурият бўйича энг катта муаммолардан бири ҳисобланган меҳнатга лаёқатли кишиларни доимий иш билан таъминлаш масаласини олайлик. Узоққа бормай, хўжалигимиз донрасида тўхталмоқчиман. Совхозда шу кунларда икки мингга яқин ишсиз бор. Уларнинг асосий қисми уйда ўтириб қолган хотин-қизлардир. Хўжалик партия ташкилотининг бир неча йиғилишларида, райком бюроси ва ҳисобот-сайлов конференциясида шу ҳақдаги масала кўндаланг қилиб қўйилди. Уларда ушбу муаммони ҳал этиш йўл-йўриқлари белгиланган қарорлар ҳам қабул қилинди. Аммо натижа-чи? Аҳвол ўзгармай, эскичасига давом этяпти. Биз партия йиғилишида Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиалини очиш йўли билан ушбу масалани ижобий ҳал этиш мумкинлигини партия юқори органлари ва вилоят ижроия комитети олдига қўйган эдик. Тўғри, бу масалада бизга ёрдам кўрсатишга ваъда беришди, Бироқ ваъда бериш осон-у, унинг уддасидан чиқиш қийин экан.

Жейнов қишлоғилик хотин-қизлар тўқийдиган арабий гиламлар довруғи бир вақтлар бутун жумҳуриятга таралган эди. Эндиликда ҳеч бир сабабсиз маҳаллий саноатчилар ушбу халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланмай қўйишди. Жейнов гиламлари унутиб юборилди. Биз кичикроқ бўлса ҳам, хўжалигимиз ҳудудида маҳаллий саноат корхонаси ташкил этиб, шу ерлик ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлашни таклиф қиламиз.

Яна бир муаммо ҳақида. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, экинлар ҳосилдорлиги йил сайин пасайиб боряпти. Совхоз бўйича 350 гектар майдонда зудлик билан мелиорация ишларини олиб бориш зарур. Бу борада вилоят ижроия комитетининг махсус қарори қабул қилинган ва хатто ушбу қарорни республика мутасадди ташкилотлари маъқуллаганди. Бироқ шу ишларни олиб бориши лозим бўлган 7-қурилаётган корхоналар дирекцияси (директори Б. Танс) ўзига топширилган вазифани пайсалга соляпти. Бундай ўзибўларчилик натижасида кўп сув беҳуда исроф бўлмоқда. Бетон ариқлар қуриш вазифаси эса лойиҳалигича қолиб кетаётир. Дала шийпонларини электрлаштириш, йўлларни асфальтлаш, пахта териш машиналарини хўжаликнинг ўзида созлаш юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳам ижросиз қолмоқда. Мен ушбу муаммоларни бежиз тилга олаётганим йўқ. Бу муоммолар бугунги кунда биргина хўжалик учун эмас, балки район ва бутун вилоятимиз учун энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Бу соҳада ўнгланиш бўлмас экан, қайта қуришни жадаллаштириш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Демак, хали олдимизда бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўп. Ҳаммамиз биргаликдо, ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилсаккина бу ишнинг уддасидан чиқа оламиз.

Г. МУМИНОВА,
Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли 28-совхоз бригадаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти партия комитети бюроси аъзоси.

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Совет демократизмининг энг муҳим қоидаларидан бири— СССР халқ депутатини чақириб олиш ҳуқуқи депутатнинг ҳақиқатдан ҳам сайловчилар ёки уни сайлаган жамоат ташкилоти назорати остида бўлиши ва масъулиятига кафолат беради.

1-модда. **СССР халқ депутатини чақириб олиш асослари**

Сайловчиларнинг ёки жамоат ташкилотининг ишончини оқламаган, яъни депутатлик бурчларини бажармаган ёки СССР Конституцияси ҳамда СССР қонунларини бузган СССР халқ депутати сайловчиларнинг ёки уни сайлаган жамоат ташкилотининг қарори билан ушбу Қонунда белгилаб қўйилган тартибда чақириб олиниши мумкин.

2-модда. **Территориал ёки миллий-территориал сайлов округидан сайланган СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф**

Территориал ёки миллий-территориал сайлов округидан сайланган СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф тегишли равишда иттифоқдош, автоном республиканинг Олий Советига ёки унинг президиумига, халқ депутатлари ўлка, вилоят, шаҳар (республикага бўйсунувчи шаҳар) Советига ёки унинг Президиумига топширилади.

Миллий-территориал сайлов округидан сайланган СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф тегишли равишда иттифоқдош, автоном республиканинг Олий Советига, автоном вилоят, автоном округ халқ депутатлари Советига ёки унинг Президиумига топширилади.

Халқ депутатлари Советининг ёки унинг Президиуми чақириб олиш тўғрисидаги таклиф асосли бўлган тақдирда чақириб олиш тўғрисидаги таклиф топширилган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида округ сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Округ сайлов комиссияси СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф муносабати билан ўзи ташкил этилган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида СССР халқ депутатини чақириб олиш масаласини ҳал қилиш учун округ сайловчилари конференциясини чақириш ҳақида қарор қабул қилади.

3-модда. **Жамоат ташкилотидан сайланган СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф**

Умумитифоқ жамоат ташкилотидан сайланган СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф тегишли жамоат ташкилотининг шаҳардаги район, шаҳар, район, округ, вилоят, ўлка, республика сайлов органи томонидан киритилиши мумкин.

Умумитифоқ жамоат ташкилотидан сайланган СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф тегишли жамоат ташкилотининг сайлаб қўйилган юқори органига топширилади.

Жамоат ташкилотининг сайлаб қўйиладиган Бутуниттифоқ органи чақириб олиш тўғрисидаги таклиф асосли бўлган тақдирда чақириб олиш тўғрисидаги таклиф тушган кундан бошлаб узоғи билан 30 кун муддат ичида сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жамоат ташкилотидан СССР халқ депутати сайловини ўтказувчи сайлов комиссияси ўзи ташкил этилган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида тегишли жамоат ташкилотининг съездида, конференциясида ёки унинг умумитифоқ органи пленумида чақириб олиш масаласини ҳал қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

4-модда. **Чақириб олиш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш чоғида СССР халқ депутати ҳуқуқларининг кафолатлари**

Округ сайлов комиссияси, жамоат ташкилотидан сайлов ўтказувчи комиссия чақириб олиш тўғрисида таклиф тушганлиги ҳақида, шунингдек бу таклифни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида СССР халқ депутатига ҳамда СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига хабар қилади.

СССР халқ депутати округ сайлов комиссиясига, жамоат ташкилотидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясига чақириб олиш тўғрисидаги таклиф учун асос бўлиб хизмат қилган вазият хусусида ёзма ариза тақдим этишга, шунингдек сайловчилар йиғилишларида (конференцияларида) сўзга чиқишга, матбуот, телевидение ва радио орқали чиқишга ҳақлидир.

СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисида таклиф киритиш учун асос бўлган ҳолат судлов билан боғлиқ бўлса, халқ депутатларининг тегишли Советси, жамоат ташкилотининг сайлаб қўйилган органи ёки сайлов комиссияси чақириб олиш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқишни суд бу иш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилгунга қадар тўхтатиб туради.

СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масала ўртага қўйилиши учун сабаб бўладиган сохта ахборот берган фуқаролар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўладилар.

5-модда. **СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масалани қўйиш**

Территориал ёки миллий-территориал сайлов округидан сайланган СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масалани округ сайловчилари конференцияси ҳал этишга ҳақлидир.

Жамоат ташкилотидан сайланган СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масалани қўйишни тегишли ташкилот съезди, конференцияси ёки шу ташкилотнинг умумитифоқ органи пленуми ҳал қилишга ҳақлидир.

Округ сайловчилар конференцияси округ сайлов комиссиясининг қарори билан ўтказилади ҳамда сайлов округига кирадиган аҳоли пунктларида яшовчи сайловчилар сонини ҳисобга олиб, округ сайлов комиссияси белгилаб қўядиган нормага мувофиқ тузилади. Конференцияга сайлов округи вакилларини меҳнат коллективларининг йиғилишлари (конференциялари), жамоат ташкилотлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари коллективлари, истиқомат жойидаги сайловчилар йиғилишлари ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан сайлайдилар.

Округ сайловчилар конференцияси унга вакил қилиб юборилган сайловчилар умумий сонининг учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади ва чақириб олиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлашга ёки уни қўллаб-қувватлашдан воз кечишга ҳақлидир. Конференция қарори конференция делегатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Округ сайловчилар конференцияси қабул қилган қарор ҳақида матбуотда хабар қилинади .

6-модда. **СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масалани овозга қўйишни белгилаш**

СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масалани қўйишга доир қарор округ сайлов комиссияси ёки жамоат ташкилотидан сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси томонидан 5 кун ичида СССР халқ депутатига, шунингдек СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига юборилади, Марказий сайлов комиссияси 30 кун муддат ичида чақириб олиш масаласини қўйишда тартибга риоя қилинганлигини текширади ва чақириб олиш тўғрисидаги масалани овозга қўйишни белгилайди.

СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масалани овозга қўйиш куни чақириб олиш тўғрисидаги масала қўйилган пайтдан бошлаб камида 90 кундан кейин ва кечи билан 110 кун ичида белгиланади.

7-модда. **СССР халқ депутатини чақириб олиш учун ёки унга қарши ташвиқот**

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси СССР халқ депутатини чақириб олишни овозга қўйиш кунини белгилагандан кейин сайловчиларнинг, меҳнат коллективларининг ва жамоат ташкилотларининг СССР халқ депутатини чақириб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама эркин муҳокама қилиш имкониятига кафолат берилади, шунингдек сайловчиларнинг йиғилишларида, матбуотда, телевидение ва радио орқали депутатни чақириб олиш учун ёки унга қарши ҳеч қандай тўсқинликсиз ташвиқот олиб бориш ҳуқуқи берилади.

Чақириб олиш тўғрисидаги масала қўйилган СССР халқ депутатига, шунингдек унинг ишончли вакилларига сайловчиларнинг йиғилишларида (конференцияларида) эркин ташвиқот қилиш, шунингдек оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Депутатни чақириб олиш масаласи овозга қўйиладиган кунда ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

8-модда. **Овоз беришни ўтказувчи комиссиялар ва участкалар, сайловчилар ва овоз берувчилар рўйхатлари**

СССР халқ депутатини чақириб олиш ишини ташкил этиш округ сайлов комиссияси ёки жамоат ташкилотидан сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

Территориал ёки миллий-территориал сайлов округидан СССР халқ депутатини чақириб олиш масаласи юзасидан овоз беришни ташкил қилиш учун овоз беришдан камида 35 кун олдин участкалар ва камида 30 кун олдин участка комиссиялари тузилади.

Овоз беришни ўтказиш учун комиссияларни тузиш ва уларнинг фаолияти, овоз бериш учун участкаларни тузиш, сайловчилар ҳамда жамоат ташкилотларидан овоз берувчи шахслар рўйхатларини тузиш «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

9-модда. **Овоз бериш учун бюллетень**

Чақириб олиш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш бюллетенига СССР халқ депутатининг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (касби), иш жойи ва истиқомат жойи ёзилади.

Чақириб олиш тўғрисида овоз бериш учун бюллетень тегишли округ сайловчилари сўзлашадиган тилда босиб чиқарилади.

10-модда. **Овоз бериш ва унинг натижаларини аниқлаш**

СССР халқ депутатини чақириб олиш масаласи юзасидан овоз бериш яширидир. У «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ўтказилади.

Овоз бериш чоғида сайловчи агар депутат ваколатларини сақлаб қолиш учун овоз берса, бюллетенда унинг фамилиясини ўчирмайди, агар депутатни чақириб олиш учун овоз берса, унинг фамилиясини ўчириб ташлайди.

СССР халқ депутатини чақириб олиш учун сайловчилар ёки жамоат ташкилотлари съездлари, конференциялари делегатларининг ёхуд шу жамоат ташкилотлари умумитифоқ органлари пленумларининг овоз бериш учун рўйхатга киритилган қатнашчиларининг ярмидан кўпроғи овоз берган бўлса, у чақириб олинган ҳисобланади.

Овоз бериш учун рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ёки жамоат ташкилотлари съездлари, конференциялари делегатларининг ёхуд шу жамоат ташкилотлари умумитифоқ органлари пленумлари қатнашчиларининг ярмидан ками чақириб олиш учун овоз берган бўлса, шунингдек овоз беришда овоз бериш учун рўйхатга киритилган сайловчиларнинг, жамоат ташкилотларидан овоз берувчи шахсларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, чақириб олиш рад этилган, деб ҳисобланади.

Чақириб олиш учун ва чақириб олишга қарши берилган овозлар баравар бўлган ҳолларда СССР халқ депутати ўз ваколатларини сақлаб қолади.

Округ сайлов комиссияси, жамоат ташкилотидан сайлов ўтказувчи комиссия Қонунни бузишга йўл қўйилгани учун овоз бериш натижаларини ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин.

Овоз бериш натижалари округ сайлов комиссиясининг, жамоат ташкилотидан сайлов ўтказувчи комиссиянинг мажлисида аниқланади, протоколга ёзилади ва СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси ёки жамоат ташкилотидан сайлов ўтказувчи комиссиянинг Марказий сайлов комиссиясига келган протоколига асосланиб овоз бериш натижаларини рўйхатга олади, Қонун бузилганлиги аниқланган ва овоз бериш натижалари ҳақиқий эмас, деб топилган ҳолларда эса қайтадан овоз беришни тайинлайди, қайтадан овоз бериш ушбу Қонун талабларига риоя этган ҳолда кечи билан икки ҳафта муддатда ўтказилади.

11-модда. **Овоз беришни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар**

СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масала юзасидан овоз беришга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат ҳисобидан бўлади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, давлат ва жамоат идоралари тегишли комиссиялар ихтиёрига овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур биноларни ва ашёларни берадилар.

Чақириб олиш тўғрисидаги масала қўйилган СССР халқ депутати, шунингдек унинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш вақтида уларнинг аризаларига мувофиқ харажатлар давлат ҳисобидан қопланиб ишдан озод қилиб қўйиладилар.

12-модда. **СССР халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонун бузилганлигидан шикоят қилиш**

Ушбу Қонун бузилганлигидан ариза ва шикоятларни СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси кўриб чиқади ва бу ариза ҳамда шикоятлар юзасидан узил-кесил қарор қабул қилади.

СССР Олий Совети Президиумининг СССР халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳасини матбуотда эълон қилиш ҳақидаги қарорига мувофиқ фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг коллективлари Қонун лойиҳасига доир ўз таклифлари ва мулоҳазаларини халқ депутатлари тегишли Советларининг президиумларига ёки газеталар, журналлар, радиоэшиттириш ва телевидение таҳрир ҳайъатларига юборадилар.

Эълон қилинган Қонун лойиҳасига таклифлар ва мулоҳазалар мазмуни тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар Олий Советларининг Президиумлари, марказий матбуот, радио ва телевидение органлари СССР Олий Советининг халқ депутатлари Советларининг иши, бошқариш ва ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш масалалари комитетига тақдим этадилар.

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

I БЎЛИМ

Умумий қоидалар

1-модда. **СССРда милиция**

Совет милицияси — ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат органи бўлиб, у қонунийликка қатъий риоя этиш асосида фуқароларнинг ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, совет жамияти ва давлатини жиноий ҳамда ҳуқуққа зид бошқа тажовузлардан ҳимоя қилади.

Милиция ходимлари махсус унвонларга, хизмат нишонларига ва формали кийимга эгадирлар.

2-модда. **Милициянинг асосий вазифалари**

Милициянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузишларнинг олдини олиш ва уларнинг пайини қирқиш;

жиноятларни аниқлаш, тез ва тўла очиб бериш;

жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш;

фуқаролар мулкини, жамоа ва давлат мулкини ҳуқуққа зид тажовузлардан ҳимоя қилиш;

зарур ҳолларда аҳолига ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам беришда иштирок этиш;

жазоларни ва маъмурий таъзир чораларини ижро этиш.

Милицияни унга қонун билан юклатилмаган вазифаларни бажаришга жалб этиш тақиқланади. Қонун билан бевосита ваколат берилмаган идоралар ва мансабдор шахслардан ташқари ҳеч ким милициянинг ўз вазифаларини бажаришига оид фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

3-модда. **Милицияни ташкил этиш асосий қондалари ва унинг фаолияти**

Милициянинг фаолияти қонунчилик, демократизм, байналмилалчилик, инсонпарварлик, фуқаро сиймосини ҳурмат қилиш, ижтимоий адолат, меҳнат жамоалари ва аҳоли билан алоқа, жамоатчилик фикрини мунтазам ҳисобга олиш, якка бошчилик қилиш билан коллегиалчиликни узвий боғлаш асосий қоидаларига мувофиқ ташкил этилади.

4-модда. **Милиция фаолиятида ошкоралик**

Милиция фаолияти фуқаролар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари учун ошкорадир.

Милиция ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволи ва уни мустаҳкамлашга оид тадбирлар тўғрисида давлат идораларини, жамоат бирлашмаларини, меҳнат коллективларини, аҳолини ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиб туради.

Қонунда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, хизмат фаолияти жараёнида олинган ҳамда давлат ва хизмат сири ҳисобланган, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти, шани ва қадр-қимматига дахлдор бўлган ахборотни эълон қилишга йўл қўйилмайди.

5-модда. **Милиция фаолиятининг ҳуқуқий негизи**

Қуйидагилар милиция фаолиятининг ҳуқуқий негизини ташкил этади: СССР Конституцияси, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар Конституциялари; ушбу қонун; ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг бошқа қонун ҳужжатлари; СССР Президентининг фармонлари; СССР Министрлар Кенгашининг қарорлари ҳамда иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар ҳукуматларининг норматив ҳужжатлари; халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорлари.

6-модда. **Милицияни ташкил этиш ва унинг бўйсунуви**

Милиция ички ишлар органлари системасига киради.

Милициянинг ташкилий структураси ва штат миқдори СССР Министрлар Кенгаши, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар Министрлар Кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари аниқлаб берадиган тартибда белгиланади.

Милиция ўз фаолиятида ички ишлар юқори органларига, шунингдек халқ депутатлари тегишли Советларига, ижроия ва идора органларига бўйсунади.

Милиция ишини жиноий -процессуал ва оператив-қидирув фаолиятидан ташқари, халқ депутатлари Советлари назорат қилиб туради.

СССР ички ишлар министри буткул милицияга раҳбарлик қилади.

Жумҳуриятлар, ўлкалар, вилоятлар, округлар, шаҳарлар, районларда иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг тегишли ички ишлар министрлари, халқ депутатлари ўлка, вилоят, округ, район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетлари ички ишлар бош бошқармалари, бошқармалари ва бўлимларининг бошлиқлари милицияга раҳбарлик қиладилар.

7-модда. **СССР Ички ишлар министрлиги, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар Ички ишлар министрликларининг милицияга раҳбарликка оид ваколатларини белгилаш**

СССР Ички ишлар министрлиги ваколатига қуйидагилар киради:

жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш умумиттифоқ ва жумҳуриятлараро программаларни амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

умумиттифоқ ва жумҳуриятлараро тадбирларни ўтказиш чоғида милиция кучлари ва воситаларини оператив бошқариш;

уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи махсус бўлинмаларни, махсус объектлардаги милицияни бошқариш;

темир йўл, ҳаво ва сув транспортидаги милицияни бошқариш;

кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, милиция олий ва ўрта ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасаларига раҳбарлик қилиш.

СССР Ички ишлар министрлиги, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар Ички ишлар министрликларининг биргаликдаги ваколатига қуйидагилар киради:

жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, пайини қирқиш, фош этиш, жиноят содир этган шахсларни қидириш, қонунда кўзда тутилган ҳолларда дом-дараксиз йўқолган шахслар ва бошқа шахсларни қидириш юзасидан милиция фаолиятини ташкил этиш;

жамоат тартибини сақлашда умумий раҳбарлик қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда қатнашиш;

милиция давлат инспекциялари фаолиятини ташкил этиш;

махсус мақсадлар учун мўлжалланган отрядларни бошқариш;

бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамда жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш муаммолари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

милицияни молиявий, моддий-техникавий ва ижтимоий-маиший жиҳатдан таъминлаш.

Иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар Ички ишлар министрликлари ваколатига қуйидагилар киради:

жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш;

милиция махсус муассасалари фаолиятини, жумладан жазони ижро этишга оид фаолиятини ташкил этиш;

паспорт режимини ташкил этиш ва амалга ошириш, махсус рухсатнома билан барпо этиладиган объектларни очиш ва ишлатиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

шахсий, жамоа ва давлат мулкини шартномалар асосида қўриқлашни ташкил этиш ва амалга ошириш;

аҳолига ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам беришни ташкил этиш;

милициянинг оддий ва кичик бошлиқлар таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

8-модда. **Милициянинг вазифаларини бажаришда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг иштироки**

Милиция ўзига юклатилган вазифаларни давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, шунингдек жамоат тартибини сақлашда милицияга кўмаклашиш учун ташкил этиладиган жамоат тузилмалари билан ҳамжиҳатликда бажаради.

Давлат идоралари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар, шунингдек жамоат бирлашмалари жамоат тартибини сақлашда ва жиноятчиликка қарши курашда милицияга ёрдам беришлари шарт.

СССР фуқаролари жамоат тартибини сақлашда милицияга ҳар томонлама кўмаклашишлари шарт.

СССР фуқаролари ихтиёрий равишда милициянинг штатдан ташқари ходимлари сифатида ишлашлари мумкин.

Милициянинг штатдан ташқари ходимларининг вазифалари ва ҳуқуқлари иттифоқдош жумҳуриятлар қонунларида белгилаб берилади.

9-модда. **Ички ишлар органларининг бошқа ходимларини милиция вазифаларини бажаришга жалб этиш**

СССР Ички ишлар министрлиги ва иттифоқдош жумҳуриятлар ички ишлар министрликлари ички ишлар органларининг ходимлари, олий ва ўрта ўқув юртларининг курсантлари ҳамда тингловчилари, милиция ходимлари бўлмасаларда, амалдаги қонунларга биноан жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини сақлашга ва жиноятчиликка қарши курашга жалб этилган ҳолларда уларга милиция ходимларининг ҳуқуқлари ва бурчлари жорий этилади.

II БЎЛИМ

Милициянинг бурчлари ва ҳуқуқлари

10-модда. **Милициянинг бурчлари:**

1. Милиция: 1) жиноятларни ва бошқа ҳуқуқ бузишларни аниқлаши, уларнинг пайини қирқиши ва фош этиши;

2) жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиши; ҳуқуқ бузилишлари содир этилиш сабаблари ва имкон берувчи шароитларни аниқлаши ва уларни бартараф этиш чораларини кўриши; салбий ижтимоий ҳодисалар (ичкиликбозлик, самогон тайёрлаш, гиёҳвандлик, дайдилик, гадойчилик, фоҳишабозлик ва бошқалар)нинг олдини олишда иштирок этиши; фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашда қатнашиши;

3) бошқа давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда боқиш масалаларига оид қарорларининг ижросини ўз ваколати доирасида назорат қилиши;

12) фалокатлар, ёнғинлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда воқеалар тўғрисида тегишли давлат идораларига ва жамоат бирлашмаларига маълум қилиши ҳамда уларнинг оқибатларини тугатишга, одамларни қутқаришга ва уларга ёрдам беришга, назоратсиз қолган мол-мулкни қўриқлашга оид шошилинч чора-тадбирлар кўриши;

13) ҳуқуқ бузилишларидан ва бахтсиз ҳодисалардан азият чеккан, жамоат жойларида ёрдамга муҳтож бўлган, шунингдек маст ҳолатдаги, мустақил ҳаракат қилиш қобилиятини йўқотган ёки атрофдагиларга ёхуд ўзига зарар етказиши мумкин бўлган шахсларга шошилинч ёрдам бериши;

14) йўл ҳаракати хавфсизлигини ўз ваколати доирасида таъминлаши; бу соҳадаги қондалар, нормативлар ва стандартларга риоя этилишини назорат қилиши; автомототранспорт воситаларини ва ҳайдовчи гувоҳномалари берилишини қайд этиши ва ҳисобга олиши;

15) махсус рухсатнома биноан барпо этиладиган иншоотларни очиш ва ишлатиш, қурол-ярог, ўқ-дори, портловчи моддалар ва материаллар, қонунда рўйхати берилган бошқа буюм ва моддаларга эга бўлиш, уларни сақлаш, ташиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;

16) фуқароларга паспортлар бериши, шунингдек чегара зонасига кириш учун рухсатномалар бериши, уларни прописка қилиши ва ундан ўчириши; фуқаролар ва мансабдор шахслар қонунда белгиланган паспорт системаси қоидаларига риоя этишлари устидан назорат қилиши;

(Давоми учинчи бетда).

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошн иккинчи бетда).

17) СССР ҳудудида истиқомат қилувчи чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни (милиция рўйхатидан озод этилганлардан ташқари) рўйхатга олиши; чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг СССРда бўлиш ва яшаш, СССРга келиш ва СССРдан жўнаб кетиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни топшириши ҳамда СССРга келиш, СССРдан кетиш, СССРда бўлиш ва СССР ҳудуди орқали қатнашга оид улар учун белгиланган қоидаларга риоя этилишини текшириши;

18) СССР ва иттифоқдош жумҳурият фуқаролигига қабул қилиш ва фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризаларга оид материалларни қонунда белгиланган тартибда расмийлаштириши ва СССР Президенти, иттифоқдош жумҳуриятлар давлат ҳокимияти олий органлари муҳокамасига тақдим этиши; фуқаролик масалаларига оид қарорларни бажариши; СССР ҳудудида турган шахсларнинг СССР фуқаролигига мансублигини текшириши;

19) шахсий, жамоа ва давлат мулкини шартнома асосида, шунингдек ҳорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, ҳорижий юридик шахслар ва фуқаролар мулкини қўриқлаши;

20) судлар, прокурорлар, терговчиларнинг, балоғатга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг чақирувига биноан келишдан бош тортган шахсларни олиб келиш тўғрисидаги суд ажримларини, прокурорлар ва терговчиларнинг қарорларини, балоғатга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг қарорларини, шунингдек шахсларни қамоққа олиш, даволаш-меҳнат ёки меҳнат тарбияси профилакторийларига юбориш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорларини ва уларнинг рухсати билан терговчиларнинг қарорларини, судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини ижро этиши;

21) маъмурий ҳуқуқ бузишлар тўғрисидаги ишларни юритиши;

22) озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиши; шартли равишда ҳукм қилинган ва меҳнатга мажбурий жалб этиш шарти билан озод қилинган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукм ижроси кечиктирилган шахсларнинг хулқини текшириб туриши; жиноий жазони ўтаган шахсларнинг ишга жойлашишига ва маиший турмушига кўмаклашиши;

23) топиб олинган ва милицияга топширилган ҳужжатлар, буюмлар, қиммат баҳо нарсалар ва бошқа мол-мулкларнинг сақланишини таъминланиши, уларни қонуний эгаларига қайтариш чораларини кўриши;

24) ваколати доирасида жиноий жазо ва маъмурий таъзир чораларини ижро этиши;

25) ушланган ва қамоққа ҳукм қилинган шахсларни қўриқлаши ва уларга соқчилик қилиши;

26) милицияга олиб келинган, ушланган ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаши, зарурат бўлган тақдирда уларга дарҳол тиббий ёки бошқа хил ёрдам бериш тадбирларини кўриши шарт.

II. Милиция ўз ваколати доирасида қуйидагиларга ёрдам беради:

1) ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг қонунларига мувофиқ халқ депутатларига ва халқ депутатлигига номзодларга;

2) Давлат хавфсизлигини таъминлашга оид тадбирларни амалга оширишда давлат хавфсизлиги органларига;

3) фуқаролар ҳарбий ҳисобда туришга риоя этишларини назорат қилишда, фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга ва ўқув машқларига чақиришни ташкил этишда ҳарбий комиссариатларга;

4) ҳарбий хизматдан бўйин товлаган шахсларни қидириб топишда, шунингдек йўқолган (ўғирланган) қуролни, ўқ-дори ва портловчи моддаларни қидириб топишда ҳарбий қисмларга (ҳарбий комендатураларга);

5) эпидемиялар ва эпизоотиялар чоғида карантин тадбирларини ўтказишда соғлиқни сақлаш ва ветеринария назорати идораларига;

6) гиёҳвандлар, сурункали ичкиликбозлар, руҳий касаллар, таносил касалига дучор бўлганлар, шунингдек СПИД вируси юққан деб тахмин қилиш учун етарли асослар бўлган шахсларни текширишдан ўтказиш, даволаш ва шифохоналарга ётқизиш учун мажбурий олиб келишда даволаш муассасаларига;

7) атроф-муҳитни, табиий бойликларни ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ўғринча овчилик қилувчиларга ҳамда овчилик ва балиқ овлаш қоидаларини бузувчи бошқа шахсларга қарши кураш юзасидан қонунда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи давлат идораларига ва жамоат бирлашмаларига;

8) хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг турар жойини аниқлашда, шунингдек қариндош-уруғлари билан алоқаси узилиб қолган кишиларни қидириб топишда СССР Ташқи ишлар министрлиги идораларига, СССР Қизил крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари уюшмаси ижроия комитетига;

9) ёнғиннинг олдини олиш ва ўчиришга оид тадбирларни амалга оширишда давлат ўт ўчириш назорати ва ёнғиндан сақлаш идораларига;

10) ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ хизмат ёки жамоат вазифаларини бажаришда бошқа давлат идораларига ва мансабдор шахсларга.

II Қисмнинг бошқа нусхаси

Милиция ўз ваколати доирасида:

халқ депутатларига, халқ депутатлигига номзодларга, давлат хавфсизлиги идораларига, табиатни муҳофаза қилиш идораларига, соғлиқни сақлаш идоралари ва муассасаларига, бошқа давлат органларига, мансабдор шахсларга, шунингдек жамоат бирлашмалари ва уларнинг вакилларига уларга юкланган ва ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини сақлаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ижро этиш чоғида, шунингдек уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатилган ҳолатда ёрдам бериши шарт.

11-модда. **Милициянинг ҳуқуқлари**

1. Милиция ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариши учун унга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

1) фуқаролар ва мансабдор шахслардан жамоат тартибига риоя этишни, ҳуқуқ бузишларга ва милиция ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳаракатларга чек қўйишни талаб қилиш, зарур ҳолатда, агар барча ишонтириш чоралари қўлланилган бўлса, қонунда кўзда тутилган мажбурий чораларни қўлланиш;

2) жиноят ва бошқа ҳуқуқ бузишлар содир этишда шубҳа қилинган ёки уларни содир этган чоғда фуқаролардан уларнинг шахси тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатларни, шунингдек бажарилиши устидан назорат ва контрол қилиш милицияга юклатилган қоидаларга риоя этилишини текшириш учун зарур бўлган ҳужжатларни текшириш;

3) маъмурий ҳуқуқ бузишлар тўғрисида протоколлар тузиш; бошқа таъсир чоралари қолмаганда ҳуқуқ бузишларнинг пайини қирқиш мақсадида маъмурий ҳуқуқ бузишларни содир этган шахсларни милицияга ёки бошқа хизмат бинолари- га олиб келиш ва қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, уларни уч соатгача ушлаб туриш, уларни шахсан ва буюмларини кўздан кечириш, буюмлари ва ҳужжатларини олиб қўйиш; маъмурий ҳуқуқ бузишлар тўғрисидаги ишлар юзасидан текширувни таъминлашнинг қонунда кўзда тутилган бошқа чораларини қўлланиш;

4) қонунда кўзда тутилган ҳолатларда маъмурий жазо бериш ёки маъмурий ҳуқуқ бузишлар тўғрисидаги материалларни ўртоқлик судлари, жамоат ташкилотлари ёки меҳнат жамоалари муҳокамасига топшириш;

5) маъмурий назоратга олинган шахсларни рўйхатга олиш, куннинг исталган вақтида уларнинг яшаб турган хоналарига кириб текшириш, назорат остидагиларни рўйхатга олишни таъминлаш уларга нисбатан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг қонунларида кўзда тутилган бошқа чеклашларни қўлланиш;

6) дайдилик, гадойчилик учун ушланган, мажбурий хизматга жалб қилиш билан озодликдан маҳрум этишга шартли ҳукм қилинган ва мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли бўшатилган, махсус комендатура маъмуриятининг рухсатисиз маъмурий район доирасидан ўзбошимчалик билан чиқиб кетганлик учун ушланган шахсларни қонунда белгиланган тартибда махсус ажратилган бинолларда сақлаш;

7) васийликсиз қолган ёки жамият учун хатарли ишлар содир этган балоғатга етмаган ёшларни дарҳол яккалаб қўйиш зарур бўлса, шунингдек махсус ўқув-тарбия муассасаларига, даволаш-тарбия профилакторийларига юбориладиган балоғатга етмаган ёшларни қонунда кўзда тутилган ҳолатларда ушлаш ва тақсимлаш-қабулхоналарида сақлаш;

8) жамоат тартибини бузган ҳарбий хизматчиларни (ҳарбий соқчилар бўлмаган ҳолларда) ушлаш ва уларни ҳарбий комендантларга ёки ҳарбий қисмларнинг командирларига топшириш;

9) жиноят содир этишда шубҳа қилинган шахсларни ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг жиноий-процессуал қонунларига мувофиқ ушлаш ва қамоқда сақлаш;

10) ўз текширувида бўлган ишлар ва материаллар юзасидан фуқароларни милицияга чақириш;

11) жамоат жойларида маст ҳолда бўлиб ўз қиёфаси билан инсоний қадр-қимматни ва жамият ахлоқини таҳқирлаётган ёки мустақил юриш қобилиятини йўқотган ёхуд атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказиш эҳтимоли бўлган шахсларни ҳушига келгунча тиббий ҳушёрхоналарда, бундай ҳушёрхоналар бўлмаганда эса, милициянинг навбатчи қисмларида сақлаш;

12) қонунларда белгилаб қўйилган асосда ва тартибда профилактик таъсир ўтказиш лозим бўлган шахсларни аниқлаш ва ҳисобга олиш;

13) қонунда кўзда тутилган ҳолларда жамиятга қарши хулқ-атворга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида шахсларни расмий огоҳлантириш ва ана шундай шахсларни рўйхатга олиш;

14) қонунда белгилаб қўйилган ҳолларда ва тартибда фуқароларни милицияга келтириш, шунингдек уларни тиббий муассасаларга олиб бориш;

15) жиноят қилишда гумон этилиб ёки дарбадарлик ва тиланчилик учун ушланган, қасддан жиноят содир этишда айбланиб, қамоққа олинган, шунингдек маъмурий қамоқ жазосига маҳкум қилинган шахсларни фотосуратга, товуш, кино ва видеосуратга олиш, бармоқ изларини олиш ва рўйхатга олиш;

16) жиноятларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва очиб ташлаш мақсадида ошкора ва яширин оператив — қидирув тадбирларини амалга ошириш, олинган маълумотлардан қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда фойдаланиш; жиноий иш қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш;

17) жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини сақлашни таъминлаш мақсадида жойларнинг айрим участкаларига ёки объектларига фуқароларнинг киришини вақтинча чеклаб қўйиш ёки тақиқлаш;

18) жиноятларнинг пайини қирқиш, жиноят содир этишда шубҳа қилинган шахсларни таъқиб этиш мақсадида, табиий офат юз берганда ҳамда жамоат тартиби ёки фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига таҳдид қилувчи бошқа фавқулодда вазиятларда кечаси ҳам, кундузи ҳам, исталган вақтда фуқароларнинг уйларига ҳамда уларга тегишли ўзга бинолларга, корхоналарнинг, муассасалар ва ташкилотларнинг биноларига ҳеч қандай тўсқинликсиз кириш ва кўздан кечириш;

19) давлат ва жамоа мулкининг қандай сақланаётганлигини, товарларни сотиш ва аҳолига хизмат қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш; шу мақсадда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг территориясига кириб, маъмурият иштирокида ишлаб чиқариш, омбор ва ўзга хизмат биноларини кўздан кечириш, зарур ҳужжатларни талаб қилиш, хом ашё ва маҳсулот намуналарини олиш, кассаларни, ҳужжатлар, пуллар ва товар-моддий бойликлар сақланаётган хоналарни ва жойларни муҳрлаб қўйиш; мансабдор ва моддий жавобгар шахслардаги моддий бойликлар, пул маблағлари ва молиявий операциялар ҳужжатларини текшириш; ишлаб чиқариш, молия-хўжалик фаолиятини текширишни, инвентаризация қилишни ва тафтиш ўтказишни талаб қилиш; корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг моддий жавобгар ва мансабдор шахсларидан риоя этилиши устидан назорат қилиш милиция зиммасига юклатилган қонунларнинг бузилиши фактлари юзасидан маълумот ва изоҳ талаб қилиш;

20) зарур бўлган тақдирда кўчалар ва автомобиль йўлларининг айрим жойларида транспорт ва пиёдалар қатновини чеклаб ёки тақиқлаб қўйиш; корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир фаолиятини назорат қилиш; техник ҳолати йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш; зарур ҳолларда транспорт воситаларини тўхтатиш ва ҳайдовчиларнинг транспортдан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларини, йўл варақаларини ҳамда ташилаётган юкнинг товар-транспорт ҳужжатларига мувофиқми — йўқмилигини текшириш; автотранспортдан ғайриқонуний мақсадларда фойдаланилаётганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса, уларни кўздан кечириб текшириш; маст ҳолдаги шахсларни, шунингдек транспорт воситасини бошқариш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари бўлмаган шахсларни транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш; қонунларда кўзда тутилган ҳолларда ҳайдовчиларни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш;

21) СССР фуқароларининг, хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг СССРга келиши ва СССР чегарасидан чиқиб кетиши, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг СССРда бўлиши масалалари юзасидан қонунга мувофиқ қарорлар қабул қилиш;

22) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ўқ отар қуролларни ва ўқ дориларни, портловчи моддаларни, кучли таъсир қиладиган химиявий ва заҳарли моддаларни сотиб олиш, сақлаш ва ташишига, фуқароларга эса ўқ отар қуролларни ва ўқ дориларни сотиб олиш, олиб юриш ва сақлашга рухсат бериш, шунингдек ана шу рухсатномаларни бекор қилиш; корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ҳамда фуқаролардан улар қурол-яроғлар ва ўқ дориларни сақлаш, фойдаланиш қоидаларини бузган тақдирда, шунингдек қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда ана шу қурол-яроғ ва ўқ-дориларни тортиб олиш; қурол-яроғларни ремонт қиладиган, мушакбозлик, муҳр тайёрлаш ва полиграфия корхоналари, қурол-яроғлар билан савдо қилувчи магазинлар, ўқ отиш тирлари ва стендлари очишга рухсатнома бериш, улар фаолиятнинг белгиланган тартибини бузган тақдирда ана шу рухсатномаларни бекор қилиш;

23) шаҳар, шаҳар атрофидаги ва маҳаллий алоқа жамоат транспортининг барча турларидан (таксидан ташқари), қишлоқ жойларда эса йўл-йўлакай дуч келган транспортдан ҳам текин фойдаланиш Транспортдаги милиция бўлинмаларининг ходимлари ўзлари хизмат қиладиган участкалар доирасида, булардан ташқари поездларда, дарё ва денгиз кемаларида текин юриш ҳуқуқига эгадирлар;

24) кечиктириш мумкин бўлмаган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ёки фуқароларга тегишли транспорт воситаларидан (чет давлатларнинг дипломатия, консуллик ҳамда ўзга ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар транспорт воситаларидан, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланган транспорт воситаларидан ташқари) ҳодиса содир бўлган жойга ёки табиий офат юз берган жойга етиб олиш, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни шифохоналарга олиб бориш учун, шунингдек жиноят содир этган шахсларни таъқиб этиш ва уларни милицияга олиб бориш учун тўсқинликсиз фойдаланиш;

25) кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ёки фуқароларга тааллуқли алоқа воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиш;

26) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан хизмат бурчини бажариш учун зарур маълумотларни ёзма сўровга мувофиқ олиш;

27) қонунбузарлик сабаблари ва уларнинг содир этилишига ёрдам берадиган шароитларни бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўриш тўғрисида тегишли давлат идораларига, жамоат бирлашмалари ёки мансабдор шахсларга тақдимнома бериш;

28) жиноят тафсилотларини ва бу жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш, яширинган юрган жиноятчиларни, бедарак йўқолганларни аниқлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

29) жамоат тартибини сақлашда ва жиноятчиликка қарши курашда жонбозлик кўрсатган фуқароларни рағбатлантириш.

II. Милиция ходимлари махсус воситалар, қурол сақлаш ва қўллаш ҳуқуқига эгадирлар.

III БЎЛИМ

Махсус воситалар ва қуролни қўллаш

12-модда. **Махсус воситаларни қўллаш**

Милиция ходимлари қуйидаги ҳолларда қўл қишанлари, резина таёқлар, кўзни ёшлантирувчи моддалар, чалғитувчи нур ва товуш қурилмалари, қонунбузарлар томонидан босиб олинган биноларни. очиш учун, транспортни мажбуран тўхтатиш учун қурилмалар, сув пуркаш машиналарини, бошқа махсус воситаларни, жанговар кураш усуллари, ўрғатилган итлардан, шунингдек қуйидаги ҳолларда бронемашиналар ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар:

1) жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида хизмат вазифасини ёки жамоат бурчини бажараётган фуқароларга, милиция ходимларига, бошқа кишиларга қилинаётган ҳужумни қайтариш учун, шунингдек гаровга олинган кишиларни озод қилиш учун;

2) оммавий тартибсизликларни ва гуруҳ бўлиб жамоат тартибини бузиш ҳолларини тўхтатиш учун;

3) давлат ва жамоат идораларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, шунингдек фуқароларга қарашли биноларга, иморатларга, иншоотларга ва транспорт воситаларига ҳужумни даф қилиш учун; босиб олинган бинолар, иморатлар, иншоотлар ва транспорт воситаларини қутқариш учун;

4) қонунбузарларни қўлга олиш, уларни милицияга ёки бошқа хизмат биносига олиб бориш, қўлга олинганларни, маъмурий қамоққа олинганларни, қамаб қўйилганларни кузатиб бориш ва қўриқлаш учун, агар улар милиция ходимларига, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги хизмат вазифасини ёки жамоат бурчини бажараётган бошқа шахсларга итоат қилмасалар ёки қаршилик кўрсатсалар, ёхуд улар қочиши ёки атрофдагиларга ёҳуд ўзига зиён етказиши эҳтимол, деб тахмин қилиш учун етарли асослар бўлса.

Қўққисдан бўлган ҳужумни қайтариш, шунингдек қасддан жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни қўлга олиш, гаровга ушланганларни озод қилиш зарурратидан бошқа ҳолларда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган воситаларни қўллашдан аввал мана шундай воситалар ишлатилмоқчи экани ҳақида огоҳлантириш ва қонунбузарликни тўхтатиш учун етарли вақт бериш лозим.

Махсус воситанинг тури ва уни қўллаш жадаллиги вужудга келаётган вазиятни, қонунбузарликнинг характерини ва қонун бузувчининг шахсини ҳисобга олиб белгиланади. Махсус воситаларни қўллашда фуқароларнинг соғлигига зиён етказиш эҳтимоли имкони борича камайтирилиши лозим.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлиги равшан кўриниб турган шахсларга ва ёш болаларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланади, улар гуруҳ бўлиб фуқароларнинг ҳаётига хавф солган ёки қуролли қаршилик кўрсатган ҳолларда бундан мустаснодир.

Махсус воситаларнинг тўла рўйхати, шунингдек уларни қўллаш қоидалари СССР Министрлар Совети томонидан белгилаб берилади.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида шахсий хавфсизликни таъминлаш учун милиция ходимлари темир қалпоқ, қалқон, зирҳ-камзул ва бошқа якка ҳимоя воситаларидан фойдаланадилар.

13-модда. **Қурол қўллаш**

Милиция ходимлари охирги чора сифатида қуйидаги ҳолатларда қуролни ишлатиш ҳуқуқига эгадирлар:

1) фуқароларни улар ҳаётига ва соғлиғига хавф соладиган ҳужумдан ҳимоя қилиш, шунингдек гаровга ушланганларни озод қилиш учун, агар бошқа усуллар ва воситалар ёрдамида уларни ҳимоя қилиш ёки озод этишнинг иложи бўлмаса;

2) жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги хизмат вазифасини ёки жамоат бурчини бажараётган милиция ходимларига, бошқа шахсларга гуруҳ бўлиб ёки қуролли равишда қилинган ҳужумни, шунингдек уларнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остида қолдирадиган тарздаги бошқа ҳужумни қайтариш учун;

3) муҳим ва қўриқланадиган объектларга, фуқароларнинг турар жой биноларига, давлат ва жамоат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг биноларига гуруҳ бўлиб ёки қуролли равишда қилинган ҳужумни қайтариш; ички ишлар органларининг қўшин ёки хизмат нарядига қилинган ҳужумни қайтариш учун;

4) қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни ёки оғир жиноят қилиб турган шахсни ёки ҳибсдан қочган жиноятчини, шунингдек қуролни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришдан бош тортган қуролли шахсни қўлга тушириш учун, қаршиликни бошқа усуллар ва воситалар билан бостириш ёки жиноятчини қўлга туширишнинг иложи бўлмаган тақдирда.

Қуролни қўллашдан аввал қурол қўлланилиши ҳақида огоҳлантириш лозим.

Қўққисдан ҳужум қилинганида, жанговар техникадан, транспорт воситаларидан, учувчи аппаратлардан, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланиб ҳужум қилинганида, гаровга ушланганларни озод қилишда, қурол билан ёки транспорт воситалари ёрдамида ҳибсдан қочилганда, шунингдек ҳаракатдаги транспорт воситаларидан қочилганда огоҳлантирмай қурол қўлланилиши мумкин.

Бегона шахслар зарар кўриши мумкин бўлган тақдирда, шунингдек, аёлларга ва балоғатга етмаганларга нисбатан қурол ишлатиш ва ундан фойдаланиш тақиқланади, улар қуролли ҳужум қилган, қуролли қаршилик кўрсатган ёки гуруҳ бўлиб фуқароларнинг ҳаётига хавф соладиган ҳужум қилган ҳоллар бундан мустаснодир, башарти бошқа усуллар ва воситалар билан бундай ҳужумни қайтаришнинг иложи бўлмаса.

Милиция ходимлари ташвиш сигнали бериш ёки ёрдамга чақириш учун, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ҳайвонни зарарсизлантириш учун қуролдан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Милиция ходими қурол қўлланган ва ундан фойдаланган ҳамма ҳолларда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек зарар кўрганларга шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш учун имкони борича ҳамма чораларни кўришга мажбур.

Қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат ҳақида протокол тузилади ва дарҳол прокурорга маълум қилинади.

Ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган муҳим ва қўриқланадиган объектлар рўйхати СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда тасдиқланади.

IV БЎЛИМ

Милициянинг шахсий состави

14-модда. **Милициядаги хизмат**

Милиция хизматига ўзларининг шахсий, маънавий ва ишчанлик фазилатлари, маълумоти ва сиҳат-саломатлиги жиҳатидан милиция зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қодир бўлган СССР фуқаролари ихтиёрийлик асосида қабул қилинади.

Милиция ходимлари қасамёд қиладилар.

Милиция ходимлари қонунларнинг талабларини оғишмай бажаришга, ўз касб одоби қоидаларига риоя этишга, инсоннинг қадр-қимматини ҳурмат қилишга, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилишга ва ҳар қандай вақтда ёрдам беришга тайёр туришга, қатъият билан ҳаракат қилишга, хизмат бурчини бажариш учун ўз кучини, зарур бўлиб қолган тақдирда эса, жонини ҳам аямасликка мажбурдирлар.

Фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини камситадиган шафқатсиз, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар, шунингдек бундай ҳаракатларга гиж-гижлаш ёки тоқат қилиб туриш милициядаги хизматга зиддир.

Милициядаги хизмат шарт-шароити ва тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида, СССР Министрлар Советининг, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг қарорларида белгилаб берилади.

15-модда. **Милиция ходимларининг ҳуқуқий мавқеи**

Милиция ходимлари ҳокимият вакилларидир.

Милиция ходимларининг қонуний талабларини фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг бажариши мажбурийдир. Милиция ходимининг қонуний талабига итоатсизлик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

16-модда. **Милиция ходимларининг ҳуқуқий ҳимояланиши**

Милиция ходимлари давлатнинг ҳимоясида бўладилар. Милиция ходимлари шахсининг дахлсизлиги, уларнинг шон-шарафи ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади.

Милиция ходимини ҳақорат қилиш, унга қаршилик кўрсатиш, дўқ қилиш, зўравонлик қилиш ёки жонига қасд қилиш, шунингдек милиция ходими зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга халақит берадиган бошқа хатти-ҳаракатлар қонунда белгиланган жавобгарликка олиб боради.

Милиция ходимлари ўз хизмат бурчини бажариши муносабати билан улар оила аъзоларининг ҳаётини, соғлиғини, шон-шарафини, қадр-қимматини ва мол-мулкини жиноий ҳамлалардан ҳимоя қилиш ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида кўзда тутилади.

17-модда. **Милиция ходимларининг ижтимоий ҳимояланиши.**

Давлат милиция ходимларининг ижтимоий ҳимояланишига кафолат беради.

Милиция ходимлари уйжой тақсимотида, квартира телефонларини ўрнатишда, мактабгача тарбия муассасаларидан жой берилишида, ижтимоий-маиший таъминотнинг бошқа масалаларини ҳал этишда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида, халқ депутатларни маҳаллий Советларининг қарорларида кўзда тутилган тартибда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Милиция ходимлари тегишли бюджет маблағи ҳисобидан мажбурий суғурта қилинадилар.

Милиция ходиминнинг хизмат вазифасини ёки хизмат бурчини бажариши муносабати билан унинг мол-мулкига етказилган зарар учун тегишли бюджет маблағи ҳисобидан тўланади.

Милиция ходими хизмат вазифасини ёки хизмат бурчини бажариш чоғида халок бўлган тақдирда унинг маоши мархумнинг оиласига у ҳалок бўлган кундан бошлаб беш йил мобайнида тўлаб турилади. Шу муддат тугаганидан кейин боқувчисидан маҳрум бўлганлик юзасидан пенсия қонунда белгиланган тартибда тўланади.

18-модда. **Милициянинг молиявий, моддий-техникавий ва ижтимоий-маиший жиҳатдан таъминланиши**

Милициянинг молиявий, моддий-техникавий ва ижтимоий-маиший жиҳатдан таъминланиши Иттифоқ, республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари, шунингдек шартномалар асосида министрликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативлардан ва фуқаролардан тушган маблағлар ҳисобидан СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

19-модда. **Милиция ходимларининг масъулияти**

Милиция ходимлари ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорлар қабул қиладилар ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик учун масъулдирлар.

Милиция ходими фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузган тақдирда милиция ушбу ҳуқуқларни тиклаш чораларини кўришга, етказилган зарарни тўлашга ва фуқаронинг талабига кўра ошкора кечирим сўрашга мажбурдир.

Милиция ходимларининг хатти-ҳаракатлари хусусида белгиланган тартибда ички ишлар идораларига, халқ депутатлари Советларига, уларнинг ижроия ва бошқарув органларига, прокурорга, судга шикоят қилиш мумкин.

V БЎЛИМ

Милиция фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан назорат

20-модда. **Милиция фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан назорат**

Милиция фаолиятида қонунларнинг аниқ ва бир хил тарзда ижро этилиши устидан назоратни СССР Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар.

СССР Олий Совётининг қарори

«Совет милиционери тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Совет милиционери тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи муҳокамада маъқуллансин.

2. Совет милиционери тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама учун матбуотда эълон қилинсин.

3. СССР Олий Советининг ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари комитети ҳамда СССР Олий Советининг қонунчилик комитети СССР Олий Советининг бошқа комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда совет милиционери тўғрисидаги қонун лойиҳасини СССР халқ депутатлари айтган ва муҳокама давомида тушган таклиф ҳамда мулоҳазаларни ҳисобга олиб, пухта ишлаб чиқсин ва уни СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг муҳокамасига тақдим этсин.

СССР Олий Советининг Раиси
А.ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 7 июнь.

• Саид Аҳмад етмиш ёшда

УФҚ ОРТИДАГИ МАНЗАРАЛАР

● Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ўзининг қўшалоқ тўйини — таваллудининг 70 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 50 йиллигини нишонламоқда.

Халқимизнинг руҳий-маънавий оламини, унинг чинакам инсоний фазилатлари, олижаноб ва юксак туйғуларини тадқиқ этиб келаётган таниқли адибга жумҳуриятимиз адабий жамоатчилиги, адабиёт мухлислари ўз эҳтиромларини изҳор этмоқдалар. Хўжаликлар, корхоналар, олий ўқув юртлари ва мактабларда, театр саҳналарида Саид Аҳмад билан бўлаётган ижодий учрашувлар қизғин ва гавжум ўтмоқда.

Дарҳақиқат, элга манзур асарлар ўқувчилар қалбида доимо адиб номи билан ёнма-ён туради. Шунинг учунми «Уфқ» трилогияси тилга олиниши билан кўз ўнгимизда Саид Аҳмад сиймоси, Саид Аҳмад ҳақида гап кетганда эса «Келинлар қўзғолони» комедияси намоён бўлади.

Адибнинг адиблик сирларидан яна бири шуки, у киши нигоҳи бир қарашда илғамаган гўзалликларни аниқ ва яққол тасвир қилиб беради. Саид Аҳмаднинг ҳар бир ўзбек хонадони мулкига айланган «Уфқ» трилогияси ана шундай асарлардан. Биз, энг аввало, уфқни кўрамиз, ёзувчи эса ўзининг теран нигоҳи билан уфқ ортидаги соҳир манзаралар — халқимизнинг бой маънавий дунёси, ғоят ранг-баранг кечинмаларга тўлиқ ҳаётини мусаввирлик санъати билан жонлантириб, ҳаётий ва боқий лавҳаларда акс эттиради.

Бугун таниқли адибни газетамизнинг кўп сонли муштарийлари номидан қутлуғ етмиш ёши билан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ тилаймиз, нигоҳингиз янада ўткир, ижод уфқингиз янада кенг бўлсин, дея тилак билдирамиз.

ХАЛҚНИНГ КЎЗИДАГИ АДИБ

Ўзбекистон Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган XXII съездида шахсга сиғиниш ва турғунлик касофати туфайли адабиётимиз катта талафот кўргани, бир қатор таниқли адиблар қатори ёзувчи Саид Аҳмад ҳам асоссиз равишда ГУЛАГ ороллари тузини татишга мажбур этилгани афсус-надоматлар билан эслаб ўтилди. Фақат Саид Аҳмаднинг ўзи эмас, унинг оила аъзолари ҳам жабр кўрди, турмуш ўртоғи — ажойиб лирик шоира Саида Зуннунова таъқиб остига олинди. «Уфқ» романининг жабрдийда персонажларидан бири айтган «Дод, деб йиғласа бўладиган ишлар ўтди бошимиздан» деган сўзларни асар ижодкорининг ўзи ҳам айтиши мумкин. Аммо у ҳеч қачон ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг шахсий дардини айтиб дод солган эмас, бошига тушган кулфатлар учун ҳар хил шубҳа-гумонларга бориб бировларнинг, ҳамкасб дўстларининг ёқасидан тутган эмас; бировларнинг устидан шикоят, бировларга арзи дод қилиш унинг учун ёт. У ҳасратгўй, ҳасадгўй кимсаларни жиндан бадтар ёмон кўради. Одам боласи дунёга нуқул ҳасрат, шикоят эмас, аввало бахт, шодлик, қувонч улашгани келади, деб ҳисоблайди у. Саид Аҳмад табиатан ниҳоятда қувноқ, ҳазилкаш одам. У кирган давраларда аския, ҳазил-мутойиба авжига чиқади, кулги-қаҳқаҳа янграйди. Унинг қаршисида ҳар қандай жиддий одам чеҳрасида ҳам табассум қалқийди...

Саид Аҳмадни кўча-кўйда, давраларда кўрганлар бу одам ўзига ғам-ташвишларни асло йўлатмаса керак, деб ўйлайди. Аслида ундай эмас. Неча бор сафарларда у билан бирга юриб кузатганман; кўпинча тун ярмида ҳамроҳлари уйқуга кетган кезлари уйғониб якка ўзи тиззаларига таяниб олиб папирос чекиб афтодаҳол ҳолда ғамга ботиб ўтирганини кўп кўрганман. Ўйида ҳам шу аҳвол. Эҳтимолки, бундай дақиқаларда у етмиш йиллик ҳаётидаги сон-саноқсиз мусибату йўқотишларни эсга олиб ўртанар... Шундай дақиқаларда биров унинг ҳолини кўриб гап қотиб қолса, дарҳол ўзига келади, ғамли ўйларни тарк этиб яна ҳазил-мутойибага ўтади. Шунда беихтиёр «Уфқ»даги бояги персонаж сўзининг давоми ёдга тушади. У аламдийда дўстига дейди: «Қандоқ қилайликки, сен билан бизнинг йиғлашга ҳаққимиз йўқ. Биз милт этиб ёш чиқасак, бошқалар фарёд уриб йиғи бошлашади. Халқнинг кўзидаги одаммиз». Бу гаплар айни пайтда адибнинг ўз сўзи, ҳаёт фалсафаси. Ҳа, у халқнинг кўзидаги одам экани ни яхши билади.

Халқимизнинг азалий эзгу анъаналаридан бири шуки, халқнинг кўзидаги одам ҳамиша халқни деб яшайди, ўзгалар манфаати, бахти, шодлиги деб кўпинча ўз дардини ичига ютади. Ор-номус, инсонлик шани улар учун энг муқаддас туйғу. Буни таркидунёчилик деб атовчилар ҳам бор. Аслида унинг таркидунёчиликка мутлақо алоқаси йўқ. Бундай бебаҳо инсоний фазилатларни ўзлари учун шахсий ҳаётда муқаддас эътиқод даражасига кўтарган, асарларида эса шу хислатларнинг юксак реалистик ифодаси намуналарини берган адибларимиз кўп. А. Қодирий ва унинг «Ўтган кунлар» романи. А. Қаҳҳор ва унинг «Асрор бобо» ҳикояси бу жиҳатдан, айниқса ибратли.

Саид Аҳмад шахсий ҳаётда ҳам, ижодда ҳам шу устозлар анъаналари йўлидан борди. Адибнинг эътиборга сазовор жамики асарларини — «Уфқ» трилогияси, «Кўклам чечаклари», «Турналар», «Хазина», «Онажонлар» ҳикояларини, «Келинлар қўзғолони» ва «Куёв» комедияларини эсланг, улардаги етакчи қаҳрамонларнинг барчаси ўша муқаддас туйғуларни эътиқод деб билган халқнинг кўзидаги одамлар.

Бу ерда тилга олинган жиддий асарларнинг аксарияти уруш даври воқеалари, уруш кулфатлари ҳақида баҳс этади. Бу асарларда ёзувчи уруш туфайли алоҳида шахслар, қолаверса бутун халқ бошига тушган қийинчилик, жудолик, дард-аламларни, фашизм ҳарбий жиноятининг мудҳиш оқибатларини рўйрост кўрсатади. Асар воқеалари уруш майдонидан жуда олисда, республикамизнинг турли бурчакларида, Фарғона қишлоқларида ўтса ҳам ҳар қадамда урушнинг қонли нафаси, порох ҳиди анқиб туради. Уруш туфайли бола отадан, ота боладан, маъшуқа ошиғидан жудо бўлади, биров умрбод майиб бўлиб тўшакка қадалади, биров касби-коридан, севган санъатидан жудо бўлади, уруш тўзони ота билан болани бир-бирига рақиб этиб қўяди, муштипар она нобоп ўғил қилмиш туфайли уят, ор-номус исканжасида қоврилиб оламдан ўтади, бошқа бир она жангда ҳалок бўлган ёлғиз ўғли доғида телба бўлиб қолади... Бу каби аламли лавҳалар, фожеий қисматлар орқали адиб урушнинг ғайриинсоний моҳиятини фош этар, гуманизм ғояларини илгари суради.

Ёзувчи нуқул уруш даврининг маломатли лавҳаларини, одамлар бошига тушган мусибату фожиаларини кўрсатиш билан чекланмай, ўз ақидасига таянган ҳолда қаҳрамонларидаги уруш туфайли юз берган мусибату кулфатларни енгишга қодир бўлган маънавий кучни зўр пафос билан мадҳ этади; унинг персонажлари фақат жабрдийда, аламзада, ҳўрланган кимсалар эмас, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзлигини, инсонийлик шаънини, қалб саховатини сақлаб қололган одамлар. Ёзувчи талқинича, бундай қалб саховати буюк ҳаётбахш кучга эга, чунончи вафодор ёр садоқати туфайли тўшакка қадалган уруш ногирони кўнглида чироқ ёнади: садоқатли эр далдаси билан урушда икки оёғини йўқотган аёл қаддини ростлайди; қўлидан ажралиб севган санъатидан жудо бўлган Уста ўз ҳиммати туфайли шоирдида йўқотган санъатини топади... Халқимиз характерига хос бундай олижаноб фазилатлар хусусан «Уфқ» романида ёрқин намоён бўлган. Абдулла Қаҳҳор «Уфқ»даги Икромжон, Тоға, Асрора каби персонажлар тақдири билан боғлиқ лавҳаларни назарда тутиб, шундай ёзган эди:

«Бу —соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир ва шу билан бирга гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини «тошдан» қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзарасидир...».

«Уфқ»да тасвир этилган қишлоқ ҳаётини, одамларини кўриб ҳар бир ўзбек катта ифтихор билан: «Биз ўзбеклар!» дейди, қардош халқлар ўзбекни меҳр билан «Ўзбек оғайним», деб атайди».

Шуниси муҳимки, адиб фақат жиддий асарларида эмас, юмористик ҳикояларида, комедияларида ҳам халқ характерига хос олижаноб фазилатларни улуғлайди. Унинг «Чўл бургути», «Ўрик домла», «Тўйбоши» каби юмористик ҳикоялари, қолаверса «Келинлар қўзғолони», «Куёв» комедияларининг қаҳрамонлари кўпгина зиддиятли, кулгили жиҳатларига қарамай, охир-оқибат, ўзларида халқимизнинг яхши удуму хислатларини ташувчи ёқимтой одамлардир. Биргина «Келинлар қўзғолони» ва унинг бош қаҳрамони Фармонбибини эслайлик.

Табиийки, «Келинлар қўзғолони»да ҳар қандай комик асарга хос танқид мавжуд, унда ҳаётдаги, одамлар табиатидаги айрим қусурларни чимдиб ўтиш бор: қаллоблар, енгил ҳаёт кечириш йўлига ўтган кимсалар, оилавий муносабатларда ҳамон сақланиб қолаётган, тараққиётимизга зид тушаётган қолоқ удумлар танқид остига олинади. Бироқ асардаги етакчи нарса — асосий кулги ҳалол, покиза одамларни, миллий ҳаёт тарзимизни улуғловчи кулги; одамга одамнинг меҳрини товлантирадиган, одамдаги ҳамдардлик туйғусини уйғотадиган, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган кулги. Биз саҳнада Фармонбиби, унинг ўғил, келинлари хатти-ҳаракатини қузатиб кўздан ёш чиқар ҳолатда қаҳ-қаҳ отиб куламиз ва театр залидан шу одамлар билан дўст-қадрдон тутиниб чиқамиз.

Бугина эмас. «Келинлар қўзғолони» кулдириб, ардоқлаб туриб сездирмай одамни ўйлатадиган асар. Бир қарашда асар шунчаки олди-қочди, ҳазил-мутойибалардан иборатдай туюлади. Шундай бўлса керак, айрим танқидчилар комедиянинг мақсади маршал кампир — Фармонбибини енгилгина танқид этишдан иборат, бу ҳол комик асар учун камлик қилади, деб чиқдилар. Ҳолбуки, синчиклаб назар ташланса, асарда бир комедия учун етарли жиддий асос мавжуд. Асар воқеалари асосан бир катта оила доирасида бўлиб ўтсада, унинг маъноси кенгроқ. Қаранг, Фармонбибининг оиласи бир неча оилалардан таркиб топган, ҳар бир рўзғор эгаси катта оила анъаналарини ҳурмат қилган ҳолда ўзича яшагиси, мустақил бўлгиси келади, шу мақсадда ғалаён кўтаради; аммо мустақилликка эришиш, мустақил яшашнинг ҳам ўзига яраша ташвиш ва қийинчиликлари юзага чиқади. Фармонбиби катта оилада мустаҳкам интизом истеҳкоми яратган, унинг ўзи шу истеҳкомнинг посбони, сардори. Бу истеҳкомга гоҳо ғирромлик, нопоклик, тартиббузарлик майллари хуруж қилади. Фармонбиби эса бундай хуружларни тадбиркорлик ва қаттиққўллик билан қатъий туриб даф этишга эришади. Шу тариқа комедия муаллифи ҳодисалар замиридан муҳим ижтимоий маъно топа олган, кенг томошабинлар кўнглида ҳаётий муаммоларга фаол муносабат уйғотишга эришган. Зотан комедия яратилган пайт — 70 йилларнинг ўрталаридаёқ шундай оқил, ҳалол, меҳрибон ва қаттиққўл сардорларга ҳаётнинг ўзида чуқур эҳтиёж сезила бошлаган эди. Комедия, бир чеккаси, шу эҳтиёж меваси, сифатида майдонга келган. Эҳтимолки, асарнинг ўзимизда, қардош республикаларда, ҳаттоки чет элларда катта шуҳрат топиш сабабларидан бири ҳам шундадир.

Кейинги ўн йил ичида Саид Аҳмад ғоят баракали ижод этди. Талай ҳикоя ва публицистик мақолалар, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, С. Зуннунова тўғрисида ўзига хос мемуар асарлар, «Ғилдирак» ҳажвий қиссаси, «Куёв», «Фармонбиби аразлади» комедиялари, ниҳоят яқингинада китоб бўлиб чиққан «Жимжитлик» романи шу кейинги ўн йиллик меваси. Улар орасида «Жимжитлик» романи ажралиб туради. «Жимжитлик» — кечаги кунларимиз, турғунлик йиллари воқеалари ҳақида ҳикоя қилувчи асар. Етмиш ёшлик адибнинг бу романи шу мавзуда битилган, «Оққушлар, оппоқ қушлар», «Лолазор», «Унутилган соҳилларо» каби салмоқли асарлар билан бемалол беллаша олади.

Асар номи рамзий —киноявий маънога эга, ўша йиллар сиртдан жимжитсосойишта туюлса ҳам ички драмаларга, фожиаларга тўла. Бир томонда Мирвалидек ҳаддидан ошган қонунбузар, ҳаёт тарзимизни, ахлоқий ақидаларимизни оёқ ости қиладиган зўравон, унинг Расулбек сиғнари гумашталари иштирокида Раҳимов, Луқмонов сингари юқори мансабли масъул ходимлар мададида олиб борган қабиҳ ишлари, жиноятлари, шафқатсизликлари, улар орасидаги ўзаро ички низо, зиддиятлар...

Ёзувчи асарда мафия — уюшган жиноятларни ҳам фош этишга жазм этган. Иккинчи томонда ҳалол, камсуқум оддий меҳнат аҳли вакиллари — Толибжон, Эрали чавандоз, Равшанбек, Рисолат кампир, Бодомгул каби жабрдийдалар, қаллоб раҳномолар, турғунлик ақидаси яратган мудҳиш муҳит қурбонлари... Айниқса, асарда Эрали чавандоз билан Бодомгул фожиаси ўқувчини ҳаяжонга солади. Бутун умри эл-юрт хизматида, меҳнатда кечган, Ватан урушида от миниб фашистларнинг додини берган, мард ва соддадил Чавандоз кексаликда Мирвали томонидан ҳақоратланади, ўша таъмагир кимса бу ғаройиб қариянинг жондан ортиқ отини тортиб олади; замон довуллари, ҳатто фашистлар қайира олмаган қанотлари бир умр хизматида ўтган ўша такаббур кимса томонидан қайрилгач, аҳлдан озиб, саргардон юрганини кўрганда китобхон ўзини қўярга жой тополмай қолади... Худди ўша зўравон шафқатсиз кимса Мирвали қилмиши, жиноияти туфайли ҳам ўғлидан, ҳам қишлоқ кўрки-файзи, булбули саналган келини Бодомгулдан айрилиб изтироблар ичида қоврилган, ўша мушкул мотамсаро дамларда ҳам мисли-сиз қалб саховатини сақлаб қололган Рисолат кампирнинг хатти-ҳаракатлари ўқувчига чуқур таъсир қилади. Қаранг, кампир келинини қаллоб Мирвали йўлдан урганлигини билади. Мирвалини ҳам, келинини ҳам тартибга, инсофга чақиради, улар эса сурбетлик билан кампирга дашном берганида қалби ўртанади, ғазабланади, аммо ўғлининг турмуши бузилмасин деб дардини ичига ютади. Диёнатли кампир алданган, ҳаром йўлларга кирган келинидан юз ўгиради, унинг қўлидан овқат емайди, аммо келин қилмишларидан пушаймон бўлиб ўз жонига қасд қилганда, ювилиб тобутга солинганда тобути ёнида туриб унинг гуноҳларидан ўтади, бу ғўзал аёлнинг аччиқ қисмати учун ўртаниб фарёд чекади.

Республика олти миллионли «оқ олтин» хирмони кўтариб, доврўғ тараётган бир кезларда Бодомгул учун кафанлик тополмай яқин кишилари сарсон бўлганини кўриб, кампир ўз ўлимлигига атаган кафанлигини марҳумага инъом этади... Бундай ўринлар тасвири, умуман Эрали чавандоз, шунингдек Рисолат кампир образлари ёзувчининг жиддий ютуғи.

Романда ҳозир яратилаётган талай асарларга хос газетчилик, публицистика излари, даврнинг ўткинчи довуллари таъсири ҳам йўқ эмас. Аммо ундаги халқчил руҳ романнинг асосий қимматини белгилайди.

Саид Аҳмад 70 ёшга тўлди. Ўша-ўша самимият, қувноқлик, ҳазил-мутойиба, ғайрат-шижоат ҳамон унга ёр. У халқнинг кўзидаги адиб эканини бир дақиқа бўлсин унутмайди, ҳамиша халқи билан бирга, халқи орасида, унинг ташвишу қувончларига доимо шерик.

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори.

СПОРТ

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

Биринчи лига коллективлари ўртасида навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди. Владикавказнинг «Спартак» командаси футболчилари «Қайрат» коллективини қабул қилиб, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу билан спартакчилар жами ғалабаларини 9 тага етказиб, 21 очко билан пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Иккинчи ўринда бораётган пахтакорчилар эса «Котайк» майдонида имкониятни (0:1) бой беришди. «Металлург» футболчилари сафарда «Кубань» футболчилари билан ўйнаб (0:0), 20 очко билан иккинчи ўринга кўтарилишди. «Шинник» — «Локомотив» (М) учрашувида 3:2 ҳисоби қайд этилди. Ярославль футболчилари 19 очко билан тўртинчи бўлиб олишди.

ЙЎЛЛАНМА ЭГАЛАРИ

Италияда давом этаётган жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказаётган командалар нимчорак финалга йўлланма олиб, курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлмоқдалар. Бешинчи гуруҳда ўйнаётган Бельгия футболчилари Уругвай командасини 3:1 ҳисобида енгиб, тўрт очко билан ана шундай имкониятга эга бўлишди. Испания футболчилари ҳам мавқеларини яхшилашди. Улар шу ҳисобда Жанубий Корея футболчиларидан устун келиб, очколарини учтага етказишди. Учинчи гуруҳда Бразилия тўртта, Коста-Рика ва Шотландия командалари иккитадан очко тўплашган. Олтинчи гуруҳга кирувчи командаларнинг бари иккитадан очколи бўлиб қолгани ҳам мухлис-у мутахассисларни ўйлантириб турибди.

НОДИР АСАРЛАР ЎҚИЙСИЗМИ?

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институти ходими, тарих фанлари номзоди Ҳайдарбек Бобобековнинг шахсий кутубхонаси бой. Яқинда у XVI—XIX асрларда чоп этилган тарих, фалсафа, адабиёт, табобат ва бошқа соҳаларга оид қўлёзма асарларни назардан ўтказди. Ана шундай нодир асарларнинг ўзи, 100 дан ортиқ. Бундан ташқари 200 дан ортиқ васиқа, вақфнома, васиятнома, фармон ва бошқа ҳужжатлар, китобларни ҳам рўйхатга олди.

Ноёб китоблар орасида «Дурр ал-ажойиб», «Рисола-и хосият шаҳри Ўш», «Қисса-и қайсар Руми», «Васиятнома», «Жамъи мевалар бир-бирлари бирла урушкони баёни» ва бошқа баёзлар бор.

— Мен бу асарларни бежиз рўйхатдан ўтказганим йўқ, — дейди Ҳ. Бобобеков. — Бугунги кунда кўпгина хонадонларда халқларимиз тарихига оид юзлаб, минглаб дурдона китоблар бор. Бу асарлар ҳатто асосий кутубхоналар рўйхатида ҳам қайд этилмаган. Мен етакчи олимлар, ёзувчилар ва тарих илмининг фидойилари ана шу ноёб бойликлардан фойдаланишларини истардим.

Халқимизнинг мероси бой. Ундан ўз вақтида фойдаланишнинг ўзи фазилат. Ҳ. Бобобековнинг шахсий кутубхонасидан фойдаланмоқчи бўлсангиз, марҳамат!

Олим яшаётган манзил: Тошкент шаҳри — 190, Юнусобод массиви, 7 даҳа, 14 уй, 27-хонадон. Истасангиз 21-38-43 га қўнғироқ қилинг!

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. В. КУЙБИШЕВ НОМЛИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ

«Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятининг назорати ва таҳлили», «Савдо ва умумий овқатланишда иқтисод ва бошқарув», «Озиқ-овқат моллари товаршунослиги», «Ноозиқ-овқат моллари товаршунослиги» ихтисослари бўйича

СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ 1 КУРСИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишга кирувчилар ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси, дипломга синов ведомостларидан кўчирма ҳавола қилинади), 086/У формали тиббий шаҳодатнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

Ўқишга суҳбат ва кириш имтиҳонлари натижалари асосида қабул қилинади. Танлаган ихтисоси бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, шу соҳа бўйича камида бир йил ишлаган шахслар суҳбат натижаларига кўра қабул қилинади.

Олий ўқув юртида танлаган ихтисосига мувофиқ бўлмаган махсус маълумотга, шунингдек умумий ўрта маълумотга эга бўлганлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар:

«Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятининг назорати ва таҳлили», «Савдо ва умумий овқатланишда иқтисод ва бошқарув» ихтисослари бўйича — математика (ёзма), СССР тарихи (оғзаки);

«Озиқ-овқат моллари товаршунослиги» ва «ноозиқ-овқат моллари товаршунослиги» ихтисослари бўйича — химия (ёзма), математика (оғзаки).

Булардан ташқари барча кирувчилар ўзбек (рус) тили ва адабиётидан иншо топширадилар. Институтнинг кадрларни шартнома бўйича тайёрлашга ўтиши муносабати билан барча кирувчилар вилоят матлубот жамиятлари, вилоят ижроия қўмитаси савдо бошқармалари, савдо идоралари ва трестлари, шунингдек институт билан шартнома тузган бошқа ташкилотларнинг мақсадли йўлланмаларини олиб келишлари зарур. Тузилган шартнома топширишлари шарт.

Аризалар 30 июнгача қабул қилинади.

Суҳбат институтда (Самарқанд шаҳрида) **1 июлдан 4 июлгача, 5 июлда «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» биносида** (Тошкент шаҳрида) **ўтказилади.**

Кириш имтиҳонлари Самарқанд шаҳрида 6 июлдан 20 июлгача ўтказилади.

Институт манзили: 703000, Самарқанд шаҳри, Коммунистик кўчаси, 41 уй. Телефон 3-37-74.

СССР Электротехника саноати вазирлиги ЖИЗЗАХ ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

1990-1991 ўқув йили учун ҚУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: пайвандлаш ишлари технологияси (9-синф ҳажмида), электрохимия ишлаб чиқариш технологияси (9-синф ҳажмида), материалларни станок ва автоматик линияларда ишлаш (9-синф ҳажмида), бино ва иншоотлар қурилиши ва эксплуатация қилиш (11-синф ҳажмида), халқ хўжалиги тармоқларини иқтисодлаштириш ва планлаштириш (11-синф ҳажмида).

СИРТҚИ БЎЛИМГА: пайвандлаш ишлари технологияси, материалларни станок ва автоматик линияларда ишлаш, бино ва иншоотлар қурилиши ва экспулатация қилиш, халқ хўжалиги тармоқларини иқтисодлаштириш ва планлаштириш.

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ:

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРДА: пайвандлаш ишлари бўйича техник-технологлар; электрохимия ишлаб чиқариш технологияси бўйича техник-технологлар; материалларни станок ва автоматик линияларда ишлаш бўйича техник-технологлар; бино ва иншоотлар қурилиши ва эксплуатация қилиш учун техник-қурувчилар; халқ хўжалиги тармоқларини иқтисодлаштириш ва планлаштириш учун техник-плановиклар.

ЎҚИШ МУДДАТИ КУНДУЗГИ БЎЛИМДА: ўрта маълумотлилар учун 2 йилу 6 ой, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун 3 йилу 6 ой.

Халқ хўжалиги тармоқларини иқтисодлаштириш ва планлаштириш бўлимида эса 1 йил-у 10 ой.

СИРТҚИ БЎЛИМДА: ўрта маълумотлилардан ҳужжатлар олинади, ўқиш муддати 3 йил.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кундузги бўлимга ёши 30 дан ошмаган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга стипендия қоидага биноан берилади.

АРИЗАЛАР

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: ўрта маълумотлилардан 14 августгача, тўлиқсиз ўрта маълумотлилардан 31 июлгача.

СИРТҚИ БЎЛИМГА: 10 августгача қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

Ўрта маълумотлилар учун ўзбек тили ва адабиёти (иншо) математикадан (оғзаки); тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун она тили, (рус тилида диктант) ва математикадан (оғзаки);

Ўрта мактабни олтин медаль ва тўлиқсиз ўрта мактабни мақтов ёрлиғи билан тугатганлар техникумга имтиҳонсиз қабул қилинади ҳамда гувоҳномасида ёки етуклик аттестатида фақат «4» ва «5» баҳолар бўлган ўқувчилар техникумга суҳбат асосида қабул қилинади.

Агар бирор предметдан мақтов ёрлиғи олинган бўлса, ўша предмет имтиҳонидан озод қилинади.

ТЕХНИКУМГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), медицина справкаси (086/У форма), 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, иш жойидан характеристика ва йўлланма, паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Манзилимиз: Жиззах шаҳри, Ленин кўчаси, 259-уй. Телефонлар: 3-46-21, 3-62-30.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси қўмитаси институтнинг омбор мудири Б. Каримовга отаси

Тасбай КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси қўмитаси институтнинг илмий котиби, биология фанлари номзоди Ф. Н. Тожиевга онаси

Асолат ТОЖИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Совет Ўзбекистони» газетаси коллективи газетанинг масъул котиби Э. Хўжаевга отаси

Саъдулла ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СССР Рангли металлургия министрлигига қарашли Ишчи таъминоти бош бошқармаси, Ўзбекистон ишчи таъминоти бошқармасининг Тошкент савдо-харид базаси жамоаси база бошқарувчиси И. А. Йўлчиевга отаси

Абдураҳмон ЙЎЛЧИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 10098. № 138. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12